



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB
CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON
TIZIMI

Loyiha

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида ID-84554 (V-5)

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлик даражасини доимий кузатиб бориш, қишлоқ хўжалиги экинларининг минерал ўғитларга бўлган илмий талабини аниқлаш учун агрокимёвий хаританомаларни ишлаб чиқиш, минерал ўғитлардан тупроқнинг ҳолати ва экин турига мувофиқ табақалаштириб фойдаланиш тизимини йўлга қўйишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда қўлланиладиган минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш учун тупроқнинг макро элементлар билан таъминланганлик даражасини лаборатория таҳлилидан ўтказиш ҳамда экин турларига мос равишда минерал ўғитларга бўлган талабини аниқлаш экин ҳосилдорлиги, ўғитларни иқтисодий самарадорлиги ва энг асосий етиштирилган маҳсулотнинг сифат таркиби бевосита таъсир қилади.

Ушбу Қонун билан тупроқ агрокимёвий таҳлилларини ўтказишнинг белгиланган муддатларига риоя қилинмаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, мазкур Қонун билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маъмурий ислохотларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурига ўтказилганлиги билан боғлиқ ўзгартишлар киритилмоқда.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468,

473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № __, __ -модда) қуйидаги **қўшимча ва ўзгартишлар** киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **108¹-модда** билан тўлдирилсин:

108¹-модда. Ердан фойдаланувчилар томонидан **тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини олиб бориш тартибини бузиш.**

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ҳар беш йилда ҳамда давлат нав синаш участкалари ва тажриба хўжаликлари учун ҳар уч йилда тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини олиб бориш тартибини бузиш, – мансабдор шахсларга – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади;

2) 245-моддасининг биринчи қисмида “108-моддасининг иккинчи қисмида” деган сўзлардан кейин **108¹-моддасида** деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3) **268⁵-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“268⁵-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги органлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига ушбу Кодекс 107-моддасининг биринчи қисмида ҳамда 108-моддасининг биринчи қисми ва назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуққидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг директори ҳамда унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

туман (шаҳар) ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимларининг бошлиқлари.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ушбу Кодекс 107-моддасининг иккинчи қисмида, 108-моддасининг иккинчи қисмида, 108¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади”.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги 543-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова, № 10, 968-модда, № __, __ -модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг матнидаги** “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11¹-моддада:**

номидаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги”;

иккинчи қисмидаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган “**Экологик назорат тўғрисида**”ги ЎРҚ–363-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 9, 591-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **11-моддасида:**

тўртинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган “**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**”ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **1-илованинг 50-позициясидаги** “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 2-иловада:

19-позициясидаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

102-позициясидаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

121-позициясидаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-модда. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли орасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. Мирзиёев